

АПАТРИД (ФУҚАРОЛИГИ ЙҮҚ ШАХС) МАҚОМИ ТҮҒРИСИДАГИ 1954 ЙИЛГИ КОНВЕНЦИЯ

МУҚАДДИМА

Юқори Аҳдлашаётган Томонлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилингандык Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжағон декларацияси барча одамлар асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч бир камситишсиз фойдаланишлари кераклиги тамоилини ўрнатганилигини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўп марта апатридлар (фуқаролиги йўқ шахслар) тақдирига чуқур қизиқиш билдириб ва апатридларни (фуқаролиги йўқ шахслар) кўрсатилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан иложи борича кенгроқ фойдаланиш учун саъй-ҳаракатлар қилганлигини эътиборга олиб,

апатридлар (фуқаролиги йўқ шахслар), шунингдек қочоқлар ҳам эканлинини, бу 1951 йил 28 июлдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция томонидан қамраб олинишини ҳамда ушбу Конвенция томонидан қамраб олинмаган кўпгина апатридлар (фуқаролиги йўқ шахслар) ҳолатини халқаро битим билан тартибга солиш ва яхшилашни эътиборга олиб,

куйидагиларга келишдилар:

I боб: Умумий қоидалар

1-МОДДА

“АПАТРИД” ТУШУНЧАСИННИ АНИҚЛАШ

- ❶ Ушбу Конвенцияда “апатрид” атамаси дейилганда, қонун амал қилишига мувофиқ ҳеч бир давлат фуқароси ҳисобланмайдиган шахс назарда тутилади.

- ❷ Ушбу Конвенциянинг қоидалари қўлланилмайди:
 - i) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссаридан ташқари, ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари ёки муассасалари ҳимояси ёхуд ёрдамидан фойдаланаётган шахсларга;

 - ii) ўзлари яшаётган мамлакатнинг ваколатли органлари ушбу мамлакат фуқаролиги билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни тан оладиган шахсларга;

 - iii) уларга нисбатан эҳтимол тутишга жиддий асослар бўлган шахсларга, яъни улар:
 - а) шу каби жиноятларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида тузилган халқаро ҳужжатларда қилмишлари учун белгилаб қўйилган тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши жиноятлар содир этганлар;

 - б) улар ушбу давлатга киритилгунга қадар бошпана берган мамлакат ташқарисида носиёсий хусусиятга эга оғир жиноят содир этганлар;

 - с) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва тамойиллариға зид бўлган ишларни содир этишда айбдорлар.

2-МОДДА

УМУМИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

Хар бир апатридда ҳозир ўзи бўлиб турган мамлакатга нисбатан мажбуриятлар мавжуд бўлиб, хусусан, у қонунлар ва қарорларга, шунингдек жамоат тартибини сақлаб туриш учун қабул қилинадиган чораларга бўйсуниши керак.

3-МОДДА

КАМСИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАСЛИГИ

Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенция қоидаларини апатридларга нисбатан ирқи, дини ёки келиб чиқиш мамлакати белгиси бўйича ҳеч бир камситишга йўл қўймасдан қўллайдилар.

4-МОДДА

ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР

Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида бўлган апатридларга камида ўз фуқароларига нисбатан бўлгани каби ўз динига эркин эътиқод қилиш ва болаларига диний тарбияни эркин тақдим этишга қулай шароит тақдим этадилар.

5-МОДДА

УШБУ КОНВЕНЦИЯДАН ҚАТЪИ

НАЗАР ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҲУҚУҚЛАР

Ушбу Конвенциядаги ҳеч нарса апатридларга қайсиdir бир Аҳдлашаётган давлат томонидан ушбу Конвенциядан қатъи назар тақдим этилган ҳеч бир ҳуқуқ ва устунликларни бузмайди.

6-МОДДА**“ХУДДИ ШУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА” ИФОДАСИ**

Ушбу Конвенцияда “худди шундай вазиятларда” ифодаси апатрид агар ўзи апатрид бўлмаганида, ўз хусусияти бўйича апатрид қондиришга қодир бўлмаган ҳар қандай талабларни (жумладан, мамлакатда бўлиш ёки яшаш муддати ва шартларига тегишли талаблар) истисно этган ҳолда, мазкур хусусий шахсни тегишли ҳуқуқдан фойдаланишини қондириш керак бўлган ҳар қандай талабларни қондириши керак.

7-МОДДА**ЎЗАРОЛИК ТАМОЙИЛИДАН ИСТИСНОЛАР**

- 1** Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенцияга асосланган ҳолда, апатриларга янада қулайроқ ҳуқуқий қоида тақдим этиладиган ҳолатлардан ташқари, уларга умуман чет элликлар фойдаланадиган қоидаларни тақдим этади.
- 2** Барча апатрилар Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудларида уч йиллик яшаш муддати тугагандан кейин қонунчилик орқали ўрнатилган ўзаролик талабидан озод қилинади.
- 3** Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат ушбу давлатга нисбатан мазкур Конвенция кучга кирган кунда апатрилар ҳеч бир ўзароликсиз эга бўлган ҳуқуқ ва устунликларни уларга бундан бўён ҳам тақдим этадилар.
- 4** Аҳдлашаётган давлатлар апатриларга ҳеч бир ўзароликсиз, улар 2 ва 3-бандларга мувофиқ эга бўлган ҳуқуқларидан ташқари ҳеч бир ўзароликсиз ҳуқуқ ва устунликларнинг тақдим этилишини ҳамда 2 ва 3-бандларда кўзда тутилган шартларга жавоб бермайдиган апатриларнинг ўзаролик талабларидан озод қилиниши эҳтимолига хайриҳоҳлик билан қарайдилар.
- 5** 2 ва 3-бандларининг қоидалари ушбу Конвенциянинг 13, 18, 19, 21 ва 22-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва устунликларга ҳамда уларда кўзда тутилмаган ҳуқуқ ва устунликларга нисбатан қўлланилади.

8-МОДДА

ИСТИСНО ЧОРАЛАРИДАН ЧИҚАРИШ

Фуқаролар ёки чет эл давлатининг фуқаролари ёхуд собиқ фуқаролари мулк ва манфаатлариiga нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган истисно чоралари Аҳдлашаётган давлатлар томонидан аввал ушбу чет эл давлати фуқароси бўлганликлари учун апатридларга нисбатан қўлланилмайди. Конунчилиги ушбу моддада ифода этилган умумий тамойилни қўллашга йўл қўймайдиган Аҳдлашаётган давлатлар тегишли ҳолатларда, ана шундай апатридлар манфаатларини кўзлаб истиснолар ўрнатади.

9-МОДДА

ВАҚТИНЧАЛИК ТАДБИРЛАР

Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса Аҳдлашаётган давлатнинг уруш пайтида ёки бошқа фавқулодда ва фавқулодда вазиятларида давлат хавфсизлиги манфаатларида зарур деб ҳисобладиган вақтнчалик чораларни қабул қилишдан маҳрум этмайди, Аҳдлашаётган давлат у ёки бу муайян шахснинг ҳақиқатан апатрид ҳисобланишини аниқлагунча ва унга нисбатан ана шундай чораларни бундан буён қўллаш давлат хавфсизлиги манфаатлари учун зарур.

10-МОДДА

ЯШАШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ

-
- 1** Агар апатрид иккинчи жаҳон уруши пайтида депортация қилинган ва Аҳдлашаётган давлатлардан бирининг худудига жўнатилган ҳамда ўша ерда яшаётган бўлса, бундай мажбурий бўлиш вақти ушбу худуд доирасида қонуний яшаш вақти сифатида қаралади.

 - 2** Агар апатрид иккинчи жаҳон уруши пайтида Аҳдлашаётган давлатлардан бирининг худудидан депортация қилинган ва ушбу Конвенция кучга киргунга қадар ўша ерда доимий яшаш мақсадида қайтиб келган бўлса, ана шундай депортациядан олдин ва кейин яшаш даври узлуксиз яшаш талаб қилинган барча ҳолатларда бир узлуксиз давр сифатида қаралади.

11-МОДДА**ДЕНГИЗЧИ АПАТРИДЛАР**

Агар апатридлар Аҳдлашаётган давлатлардан бирининг байроғи остида сузib юрган кемалар экипажида яхши хизмат қилувчи бўлса, ушбу давлат ана шу шахсларни ўз ҳудудида яшашига ва уларга йўл ҳужжатларини беришга ёки ҳудудига, жумладан, қайсиdir бошқа мамлакатда жойлаштиришни енгиллаштириш мақсадида вақтинча кириш ҳуқуқини тақдим этишга хайрихоҳлик билан муносабатда бўладилар.

II боб: Ҳуқуқий мақом**12-МОДДА****ШАЙСИЙ МАҚОМ**

- 1** Апатриднинг шахсий мақоми, у жойлашган мамлакат қонунлари ёки у бўлмаса, у яшайдиган мамлакат қонунлари билан аниқланади.

- 2** Апатриднинг шахсий мақоми билан боғлиқ аввалдан мавжуд бўлган ҳуқуқига ва, хусусан, никоҳдан келиб чиқадиган ҳуқуқига, зарур ҳолатларда, тегишли ҳуқук ушбу давлат қонунларида тан олинган ҳуқуқлардан бири бўлиши шарти билан, мазкур давлатнинг қонунларида белгилаб қўйилган расмиятчиликлар агар бу шахс апатрид бўлмаганида, Аҳдлашаётган давлатлар томонидан бажарилиши бўйича амал қиласди.

13-МОДДА**КЎЧАР ВА КЎЧМАС МУЛК**

Аҳдлашаётган давлатлар кўчар ва кўчмас мулкни олишга нисбатан ҳамда бу билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шунингдек кўчар ва кўчмас мулкка тааллуқли ижара ҳамда бошқа шартномаларга нисбатан апатридларга иложи борича қулайроқ имкониятларни, ҳар ҳолда, ана шундай вазиятларда одатда, чет элликлар фойдаланадигандан кам бўлмаган қулай имкониятларни тақдим этади.

14-МОДДА

МУАЛЛИФЛИК ВА САНОАТ ҲУҚУҚИ

Саноат ҳуқуқлари, жумладан, ихтиро қилиш, чизмалар ва моделлар, савдо маркалари, фирмалар номларига ҳуқуқлар ҳамда адабий, бадиий ва илмий асарларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли масалаларда, одатда турар жойига эга бўлган мамлакатдаги апатриларга ушбу мамлакат фуқароларига бўлганидек ҳимоя тақдим этилади. Ҳар қандай бошқа Аҳдлашаётган давлатларнинг ҳудудларида уларга бу ҳудудда одатий турар жойига эга бўлган мамлакат фуқароларига тақдим этиладиган ҳимоя тақдим этилади.

15-МОДДА

АССОЦИАЦИЯЛАР ҲУҚУҚИ

Сиёсий хусусиятга эга бўлмаган, фойда олиш мақсадини кўзламайдиган ассоциациялар ва касаба уюшмаларига нисбатан Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган апатриларга худди ана шундай вазиятда чет эл фуқаролари учун белгиланганига мутаносиб янада қулай имконият тақдим этади.

16-МОДДА

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

-
- ①** Ҳар бир апатрид барча Аҳдлашаётган давлатларнинг ҳудудларида судларга эркин мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
 - ②** Аҳдлашаётган давлатларнинг ҳудудида одатдаги турар жойга эга бўлган ҳар бир апатрид ўз фуқаролари каби судга, хусусан, ҳуқуқий ёрдам ва суд харажатларини тўлашдан озод этиш масалаларида мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.
 - ③** Ўзининг одатдаги яшаш мамлакатидан ташқари, бошқа барча мамлакатлардаги ҳар бир апатридга 2-банда қайд этилган масалалар бўйича одатий яшаётган мамлакат фуқаросига бўлганидек, бир хил қоидалар тақдим этилади.

III боб: Даромад келтирадиган машғулотлар

17-МОДДА

ЁЛЛАНИБ ИШЛАШ

- 1** Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган апатриларга ёлланиб ишлаш ҳуқуқига нисбатан, худди шундай ҳолатларда чет эл фуқаролари фойдаланадигандан янада қулайроқ ҳуқуқий имкониятни тақдим этади.

- 2** Аҳдлашаётган давлатлар барча апатриларнинг ва, хусусан, ишчи кучини ёллаш дастурини бажариш тартиби ёки иммиграция режаларига мувофиқ ўз ҳудудларига кирган апатриларнинг ёлланиб ишлашга нисбатан ҳуқуқларининг фуқаролар ҳуқуқлари билан тенглаштирилишига хайрихохлик билан қарайдилар.

18-МОДДА

ЎЗ КОРХОНАСИДА ИШЛАШ

Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудларида қонуний яшаётган апатриларга мустақил равишда қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланиш, шунингдек савдо ва саноат ширкатларини таъсис этиш ҳуқуқларига нисбатан, мана шундай вазиятларда одатда чет элликлар фойдаланаётгандаридан кам бўлмаган қулай ҳуқуқий имкониятни тақдим этади.

19-МОДДА

ЭРКИН КАСБЛАР

Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат ўз ҳудудида қонуний яшаётган ва ушбу давлатнинг ваколатли ҳокимиятлари томонидан тан олинган дипломга эга, эркин касб-хунарлар билан шуғулланишни хоҳлаётган апатриларга, одатда ана шундай ҳолатларда, чет элликлар фойдаланадиганидан имкон қадар қулай ҳуқуқий имкониятни тақдим этади.

IV боб: Ижтимоий таъминот

20-МОДДА

ПАЁКЛАР ТИЗИМИ

Бутун аҳоли учун танқис маҳсулотларни умумий тақсимлашни тартибга со-ладиган мажбурий паёклар тизими мавжуд бўлган жойларда, бундай тизим апатридларга фуқаролар билан тенглик асосида қўлланилади.

21-МОДДА

ТУРАР ЖОЙ МАСАЛАСИ

Турар жой масаласи қонунлар ёки қарорлар билан тартибга солиниши ёхуд давлат ҳокимияти назорати остида бўлса, Аҳдлашаётган давлатлар ўз худудларида қонуний яшаётган апатридларга иложи борича қулайроқ ҳуқуқий ҳолатни, одатда чет элликлар худди шундай ҳолатларда, фойдала-надигандан кам бўлмаган имкониятни тақдим этади.

22-МОДДА

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

-
- ①** Бошланғич таълимга нисбатан Аҳдлашаётган давлатлар фуқароларга бўлгани каби апатридларга ҳам ҳуқуқий ҳолатни тақдим этади.

 - ②** Аҳдлашаётган давлатлар бошланғич таълимдан ташқари, халқ таълимининг бошқа турларига ва, хусусан, ўқиш имконияти, чет эл аттестат, диплом ва даражаларини тан олиш, таълим олиш ҳуқуқи учун тўлов ва йигимлардан озод қилиш, шунингдек стипендия тақдим этишга нисбатан апатридларга иложи борича қулай ҳуқуқий ҳолатни ва имкон қадар чет элликлар худди шундай вазиятларда, одатда фойдаланаётганидан кам бўлмаган имкониятни тақдим этади.

23-МОДДА**ҲУКУМАТ ЁРДАМИ**

Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган апатридларга ҳам ўз фуқаролари фойдаланаётган ҳукумат ёрдами ва қўллаб-қувватлашини тақдим этади.

24-МОДДА**МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА
ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ**

❶ Аҳдлашаётган давлатлар фуқароларига бўлгани каби, ўз ҳудудларида қонуний яшаётган апатридларга ҳам қўйидаги ҳолатларни тақдим этади:

- a) меҳнат учун ҳак, жумладан, оиласа нафақа, агар бундай нафақалар меҳнат ҳақининг бир қисми бўлса, иш вақтидан ортиқча иш, пул тўланадиган таътил, уйдаги ишни чеклаш, ёлланиб ишлаётган шахсларнинг энг кичик ёши, аёллар ва ўсмирлар учун шогирдлик ҳамда касбий тайёргарлик ва жамоавий шартномалар манбаатларидан фойдаланиш, чунки ушбу масалалар қонунлар ёки фармойишлар билан тартибга солинади ҳамда маъмурний ҳокимият томонидан назорат қилинади;
- b) қўйидаги чекловлар билан ижтимоий таъминот (ишда баҳтсиз ҳодисалар, касбий касалликлар, оналик, касалланиш, ногиронлик, қариллик, ўлим, ишсизлик, оиласа нисбатан мажбуриятлар ва бошқа ҳодисаларга тааллуқли қонун қоидалари ҳамда ички қонунлар ёхуд ижтимоий таъминот тизимида кўзда тутилган қарорлар):
 - i) эга бўлинган ҳуқуқ ва эга бўлиш жараёнидаги ҳуқуқларни сақлашнинг тегишли тартиби мавжуд бўлиши мумкин;
 - ii) яшаб турган мамлакатнинг қонун ёки фармойишлари тўлалигича давлат маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўлиқ ёки қисман нафақа олиш ва нормал пенсия олиш учун талаб қилинадиган бадалларга нисбатан барча шартларни бажармаган шахсларга маҳсус тартибни тасдиқлаши мумкин.

-
- ❷** Ишда бахтсиз ҳодиса ёки касаллигига чалиниши оқибатида апатриднинг ўлими учун товон пули олиш хуқуқига манфаатдор шахснинг Аҳдлашаётган давлат ҳудудида яшамаслиги таъсир қилмайди.
 - ❸** Аҳдлашаётган давлатлар апатридларга ижтимоий таъминотга нисбатан ўзаро тузилган ёки келажакда тузилиши мумкин бўлган битимлардан олинган хуқуқлар ва олиш жараёнида бўлган хуқуқларни сақлашдан келиб чиқадиган устунликларни фақат қайд қилинган битимларни имзолаган давлат фуқаролариға нисбатан қўлланиладиган шартларга амал қилган ҳолда тақдим этади.
 - ❹** Аҳдлашаётган давлатлар ҳар бир ҳолатда, ушбу Аҳдлашаётган давлатлар ва шартномада иштирок этмаётган давлатларда кучда бўлиши мумкин бўлган шу каби битимлардан келиб чиқадиган устунликларни имкони борича апатридларга тақдим этиш тўғрисидаги масалага хайрихоҳлик билан муносабатда бўладилар.

V боб: Маъмурий чоралар

25-МОДДА

МАЪМУРИЙ КЎМАКЛАШИШ

-
- ❶** Апатридлар томонидан қайсиdir ҳуқуқдан фойдаланишда улар, одатда мурожаат қила олмайдиган чет эл давлати органларининг кўмаклашишини талаб қиласидилар, Аҳдлашаётган давлатлар эса бундай ҳолатларда, ўз ҳудудларида яшаётган ўша уларга ўзларининг давлат вакиллари томонидан ана шундай кўмак кўрсатилиши учун чоралар кўрадилар.
 - ❷** 1-бандда қайд этилган ҳокимият вакиллари ёки ҳокимликлар апатридларга, одатда хорижликлар учун бериладиган ҳужжатлар ёхуд гувоҳномаларнинг ҳокимият ёки ўзлари фуқароси бўлган давлатларнинг ҳокимиятлари орқали берилишини ўз назорати остида амалга оширилишини таъминлайдилар.

- ③** Ана шу тартибда берилган ҳужжатлар ёки гувоҳномалар чет элликларга ҳокимиятлар ёки ўзлари фуқароси бўлган давлат ҳокимияти орқали бериладиган расмий ҳужжатлар ёки гувоҳномалар ўрнига ўтади ҳамда улар ҳақиқий эмаслиги исботланмагунча ҳақиқий деб тан олинади.

- ④** Ушбу моддада қайд этилган хизматлар учун ноchor шахсларга тақдим этиладиган алоҳида имтиёзлар истисно этилганда ҳақ олинниши ҳам мумкин, аммо бундай ҳақ мўътадил бўлади ҳамда ана шундай хизматлар учун фуқаролардан олинадиган ҳаққа мутаносиб бўлади.

- ⑤** Ушбу модданинг қоидалари 27 ва 28-моддаларнинг қоидалариiga даҳли йўқ.

26-МОДДА

ҲАРАКАТЛАНИШ ЭРКИНЛИГИ

Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат ҳудудида қонуний турган апатриidlарга, унинг ҳудуди доирасида барча қоидаларга амал қилиш шарти билан, одатда, ҳудди шундай ҳолатларда чет элликларга қўлланиладиган яшаш жойини танлаш ва эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини тақдим этади.

27-МОДДА

ШАХС ГУВОҲНОМАСИ

Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудида бўлган ва ҳақиқий йўл ҳужжатлariiga эга бўлмаган апатриidlарга шахс гувоҳномасини беради.

28-МОДДА

ЙЎЛ ҲУЖЖАТЛАРИ

Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудларида қонуний яшаётган апатриidlарга уларнинг ҳудудидан ташқарида ҳаракатланиш учун йўл ҳужжатлari беради, бунга давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибининг асосли сабаблари тўсқинлик қилмайди, бундай ҳужжатларга ушбу Конвенцияга илова қилинган қоидалар қўлланилади. Аҳдлашаётган давлатлар бундай йўл ҳужжатларини ҳудудларида бўлган ҳар қандай бошқа апатриidlарга беришлари мумкин; улар, жумладан, ҳудудларида бўлган ўзлари қонуний яшаётган мамлакатда йўл

Хужжати олиш имкониятига эга бўлмаган апатридларга шундай йўл ҳужжатларини бериш масаласига хайрихоҳлик билан муносабатда бўладилар.

29-МОДДА

СОЛИҚЛАР

-
- ❶** Аҳдлашаётган давлатлар апатридлардан ана шундай шароитларда ўз фуқароларидан оладиган ёки олишлари мумкин бўлган солиқлардан ташқари ёхуд юқори бўлган ҳеч қандай бож, йигинлар ёки солиқлар олмайди.
 - ❷** Аввалги банддаги қоидалар ҳеч бир тарзда апатридларга чет элликларга маъмурӣ ҳужжатларни, шу жумладан, шахс гувоҳномасини бериш учун йигинларга тааллуқли қонун ва қарорларнинг қўлланилишини истисно этмайди.

30-МОДДА

МУЛКНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ

-
- ❶** Аҳдлашаётган давлатлар ўз қонунлари ва қарорларига мувофиқ апатридларга ўз худудларига, уларга жойлашиш учун кириш ҳуқуқи тақдим этилган бошқа мамлакатга ўзлари билан олиб келган мулкни олиб чиқишларига рухсат беради.
 - ❷** Аҳдлашаётган давлатлар апатридларнинг кириш ҳуқуқи тақдим этилган бошқа мамлакатда жойлашиши учун ўзларига зарур бўлган мулкни, бу мулк қаердалигидан қатъи назар, олиб чиқиб кетишга рухсат берилиши тўғрисидаги апатриднинг мурожаатига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлади.

31-МОДДА**ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ**

- ❶** Аҳдлашаётган давлатлар давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби мулоҳазаларидан бошқача тартибда худудларида қонуний яшаётган апатридларни чиқариб юбормайди.

- ❷** Бундай апатридларни чиқариб юбориш факат суд тартибida чиқарилган қарорлар ижроси бўйича амалга оширилади. Давлат хавфсизлигининг мулоҳазалари тўсқинлик қиласиган ҳолатлар истисно этилиб, апатридларга тегишли инстанциялар ёки тегишли инстанциялар томонидан алоҳида тайинланган шахс ёки шахслар олдида ўзини оқлаш учун исботлар ва шикоятлар тақдим этиш ҳуқуқи, шунингдек, ана шу мақсадлар учун ўзларининг вакилларига эга бўлиш ҳуқуқи берилади.

- ❸** Аҳдлашаётган давлатлар ушбу апатридларга бошқа мамлакатга кириш учун қонуний ҳуқуқ олиш учун етарли муддат тақдим этади. Аҳдлашаётган давлатлар ана шу муддат давомида ўзлари зарур деб топган ички хусусиятга эга бўлган чораларни қўллаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

32-МОДДА**НАТУРАЛЛАШТИРИШ**

Аҳдлашаётган давлатлар имконияти борича апатридларнинг ассимиляцияси ва натураллаштирилишини енгиллаштиради. Жумладан, улар натураллаштириш бўйича иш юритишни тезлаштириш ҳамда бу билан боғлиқ йиғинлар ва харажатларни иложи борича камайтириш учун ўзларига боғлиқ барча имкониятларни ишга солади.

VI боб: Якунловчى қоидалар

33-МОДДА

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮГРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Аҳдлашаётган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котибини ушбу Конвенцияни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида улар томонидан нашр этилган қонунлар ва қарорлар матни түгрисида хабардор қиласди.

34-МОДДА

БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ушбу Конвенция иштирокчилари ўртасида талқин этиш ёки қўллашга оид пайдо бўладиган, бошқача ҳал этиб бўлмайдиган барча баҳслар баҳслашаётган томонлардан хоҳлаганининг талаби бўйича Халқаро судга берилади.

35-МОДДА

ИМЗОЛАШ, РАТИФИКАЦИЯ

ҚИЛИШ ВА ҚЎШИЛИШ

-
- ①** Ушбу Конвенция барча давлатлар томонидан имзолаш учун 1965 йил 31 декабрдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида очик бўлади.
 - ②** Ушбу Конвенция қўйидагилар номидан имзолаш учун очик бўлади:
 - a)** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган ҳар қандай давлат;
 - b)** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг апатриидлар мақоми масаласи бўйича конференцияда иштирок этиш учун таклиф қилинган ҳар қандай бошқа давлат;
 - c)** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бosh Ассамблеяси томонидан уни имзолаш ёки унга қўшилиш учун таклиф этилган ҳар қандай бошқа давлат.

- ③** Ушбу Конвенция ратификация қилинади ва ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига депонирация (топширилади) қилинади.
- ④** Мазкур Конвенция ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилган давлатларга қўшилиш учун очик бўлади. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳузурида қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни депонирация (топшириш) қилиш орқали амалга оширилади.

36-МОДДА

КОНВЕНЦИЯНИНГ ҲУДУД БҮЙИЧА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

- ①** Ҳар қандай давлат Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш ёхуд унга қўшилиш пайтида, ушбу Конвенцияни амал қилиши барча ҳудудлари ёки халқаро муносабатлар учун масъул бўлган айrim ҳудудларига тарқалишини баён этиши мумкин. Бу баёнот Конвенция ушбу мамлакат учун кучга кирган кунда кучга киради.
- ②** Конвенция амал қилишининг ана шундай тарқалиши ҳар қандай кейинги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига йўлланган билдирги орқали эълон қилиниши керак ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан ушбу билдирги олинган кундан кейин тўқсонинчи кун ёки ёки ушбу давлат учун Конвенция кучга кирган кундан бошлаб, агар бу охирги сана сўнгроқ бўлса, кучга киради.
- ③** Ушбу Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки унга қўшилиш пайтида у тарқаладиган ҳудудларга нисбатан ҳар бир манфаатдор давлат айнан шу ҳудудларда конституциявий хусусиятига эга сабабларга кўра, ушбу ҳудудлар хукуматларининг рухсати билан ушбу Конвенцияниң қўлланилишини кенгайтириш учун зарур бўлган чораларни кўриш имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

37-МОДДА

ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТЛАР ТҮГРИСИДАГИ ҚАРОР

Федератив ёки унитар бўлмаган давлатларга қўйидаги қоидалар қўлланилади:

- a) мазкур Конвенциянинг федерал қонунчилик органи юрисдикциясига таалуқли бўлган моддаларига нисбатан федерал ҳукуматнинг мажбуриятлари ушбу Конвенциянинг федерал давлат бўлмаган томони мажбуриятларига кўрсатилган даражада мувофиқ бўлади;
- b) ушбу Конвенциянинг федерацияга кирадиган штатлари, провинция ва кантонлари федерациянинг конституциявий тузумига мувофиқ қонунчилик чораларини кўриш шарт бўлмаган қонунчилик юридикциясига тегишли моддаларига нисбатан федерал ҳукумат биринчи имкониятнинг ўзида мазкур моддалар тўғрисида тегишли штат, провинция ёки кантонларни ўзининг хайриҳоҳ муносабати билан хабардор қиласди;
- c) ушбу Конвенциянинг томони бўлган федератив давлатлар ҳар қандай бошқа Аҳдлашаётган давлатнинг талабига биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби орқали Конвенциянинг ҳар қандай аниқ қоидасига нисбатан федерация ва унинг таркибий қисмларида мавжуд қонунлар ва амалиётда ушбу қоиданинг қонунчилик ёки бошқа йўл билан ҳаётга татбиқ этилгани кўрсатилганилиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

38-МОДДА

ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

-
- 1** Имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ҳар қандай давлат 1, 3, 4-моддалар, 16-модданинг 1-банди ва 33-42-моддалари истисно этилгани ҳолда Конвенциянинг моддаларига қўшимча шартлар қўйиши мумкин.
 - 2** Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қўшимча шартлар қўйган ҳар қандай давлат хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилиш орқали ушбу қўшимча шартларидан воз кечиши мумкин.

39-МОДДА**КУЧГА КИРИШИ**

-
- ❶** Ушбу Конвенция олтинчи ратификация ёрлиғи ёки құшилиш тұғрисидаги хужжат сақлаш учун топширилган санадан бошлаб тұқсонинчы куни кучга киради.

 - ❷** Конвенцияни ратификация қилиш ёки унга қүшилған ҳамма давлаттар учун олтинчи ратификация ёрлиғи ёки құшилиш тұғрисидаги хужжат сақлашга берилгандан сүнг, Конвенция тегишли давлат томонидан үз ратификация ёрлиғи ёки құшилиш тұғрисидаги хужжат сақлашга топширилган кундан бошлаб тұқсонинчы куни кучга киради.

40-МОДДА**РАД ҚИЛИШ**

-
- ❶** Хар қандай Аҳдлашаётган давлат хоҳлаган пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бөш котибига билдирги юбориш орқали ушбу Конвенцияни рад қилиши (денонасация) мумкин.

 - ❷** Бундай рад қилиш (денонасация) тегишли Аҳдлашаётган давлат учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бөш котибига билдирги юборилған кундан бир йил ўтгач кучга киради.

 - ❸** 36-модда асосида арз қилған ёки билдирги юборған ҳар қандай давлат хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бөш котиби номига билдирги юбориш орқали Бөш котиб ушбу билдиргини олганидан бир йил ўтгандан кейин Конвенция тегишли худудда амал қилмаслиги тұғрисида раддия бериши мумкин.

41-МОДДА

ҚАЙТА КҮРИБ ЧИҚИШ

-
- ❶** Ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига юборилган билдириг орқали исталган вақтда, ушбу Конвенцияни қайта кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин.

 - ❷** Агар бундай талаб билан боғлиқ қандайдир чоралар кўриш керак бўлса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тегишли чоралар кўришни тавсия қилади.

42-МОДДА

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

БОШ КОТИБИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛАДИГАН БИЛДИРГИЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларига ва 35-моддада қайд этилганидек, унинг аъзоси бўлмаганларга қўйидагиларни хабар қилади:

- a) 35-моддада кўзда тутилган имзолаш, ратификациялар ва қўшилишлар тўғрисида;

- b) 36-моддада кўзда тутилган аризалар ва билдиргилар тўғрисида;

- c) 38-моддада кўзда тутилган қўшимча шартлар ва қўшимча шартлардан воз кечиш тўғрисида;

- d) 39-моддага мувофиқ ушбу Конвенциянинг кучга кирган куни тўғрисида;

- e) 40-моддада кўзда тутилган рад қилиш (денонасия) ва билдиргилар тўғрисида;

- f) 41-моддага мувофиқ келиб тушган қайта кўриб чиқиш талаблари тўғрисида. Буни тасдиқлаш учун имзолашга зарур ваколатга эга бўлган ҳолда, ўз ҳукуматлари номидан ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Нью-Йоркда бир минг тўқиз юз эллик тўртинчи йил йигирма саккизинчи сентябрда бир нусхада тузилган, матни инглиз, испан ва француз тилларида айнан бир хил; ушбу нусха Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилган ҳамда унинг тасдиқланган нусхалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ва 35-моддада қайд этилгандек, аъзо бўлмаган давлатларга юборилади.

Изоҳлар

1-банд

- ❶** Ушбу Конвенциянинг 28-моддасида қайд этилганидек йўл ҳужжатида 1954 йил 28 сентябрдаги Конвенция қоидаларига мувофиқ унинг эгаси фуқаролиги йўқ шахс (апатрид) эканлиги кўрсатилиши керак.
- ❷** Ушбу ҳужжатлар камида икки тилда берилиши керак, улардан бири инглиз ёки француз тилида бўлиши керак.
- ❸** Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенцияга илова қилинаётган йўл ҳужжати намунасини қабул қилиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади.

2-банд

Мамлакатлар томонидан ҳужжатлар бериш бўйича ўрнатилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда болалар, ота-оналари ёки истисно ҳолатларда бошқа катта ёшдагиларнинг йўл ҳужжатларига киритилиши мумкин.

3-банд

Ҳужжатларни бериш учун олинадиган бож миллий паспорт учун олинадиган божларнинг энг кам миқдоридан ошмаслиги керак.

4-банд

Алоҳида ёки истисно ҳолатларини ҳисобга олмаганда, ҳужжат иложи бори-ча кўпроқ мамлакатларда ҳақиқий бўлиши керак.

5-банд

Ҳужжатнинг амал қилиш муддати камидан уч ой ва икки йилдан кўп бўлмас-лиги керак.

6-банд

-
- ❶ Ҳужжатни янгилаш ёки муддатини узайтириш ҳужжатни берган ҳокимият органи ваколатига киради, унинг эгаси қонуний асосда бошқа худудда жойлашгунича юқорида қайд этилган ҳокимият органи ҳудудида қонуний асосда яшайди. Худди шу шартлар билан янги ҳужжатни бериш аввалги ҳужжатни берган ҳокимият органи ваколатига киради.

 - ❷ Ушбу мақсадлар учун маҳсус ваколатларга эга дипломатик ёки консуллик органлари ҳукуматлар томонидан берилган йўл ҳужжатларининг амал қилиш муддатини олти ойдан ортиқ бўлмаган даврга узайтириш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

 - ❸ Аҳдлашаётган давлатлар худудларида қонуний асосда бундан бўён яшамаётган ва ўзининг қонуний яшайдиган мамлакатидан йўл ҳужжатлари олиш имкониятига эга бўлмаган апатридларга йўл ҳужжатини янгилаш ёки узайтириш ёхуд янги ҳужжатлар бериш тўғрисидаги масалани хайриҳоҳлик билан кўриб чиқади.

7-банд

Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенциянинг 28-моддаси қоидаларига мувофиқ берилган йўл ҳужжатларининг ҳақиқийлигини тан олади.

8-банд

Апатрид кўчиб ўтишни хоҳлаётган мамлакатнинг ваколатли органлари, агар виза зарур бўлса ва органлар уни қабул қилишга тайёр бўлсалар, ҳужжатда визани расмийлаштирадилар.

9-банд

- 1** Аҳдлашаётган давлатлар бориш жойи ҳудудига виза олган апатриларга транзит визаларни беришлари шарт.

- 2** Бундай визаларни бериш ҳар қандай хорижликка виза беришни рад этишни оқлайдиган сабаблар бўйича рад этилиши мумкин.

10-банд

Чиқиши, кириши ёки транзит визалари учун бож чет эл паспортлари визаси учун божларининг энг кам микдоридан ошмаслиги керак.

11-банд

Апатрид бошқа давлатнинг ҳудудида қонуний жойлашган бўлса, 28-модданинг шартлари ва қоидалари бўйича янги ҳужжат бериш учун масъулият апатрид мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳудуддаги ваколатли органлар зиммасига ўтади.

12-банд

Янги ҳужжат берган ҳокимликлар эски ҳужжатни қайтариб олишлари ва агар ҳужжатда қайтариш зарурлиги ёзилган бўлса, уни берган мамлакатга қайтариб беришлари керак; аксинча ҳолатларда эса, улар ушбу ҳужжатни олиб қўйишлари ёки йўқ қилишлари керак.

13-банд

-
- ❶ Ушбу Конвенциянинг 28-моддасига мувофиқ берилган йўл ҳужжати унинг эгасига ҳужжат амал қилиш муддати давомида хоҳлаган вақтда ҳужжатни берган давлат худудига такроран кириш ҳуқуқини беради, агар ҳужжатда бунинг тескариси баён этилмаган бўлса. Ҳар қандай ҳолатда ҳужжат эгаси уни берган мамлакатга қайтиш муддати апатрид кириши мўлжаллаётган мамлакат такроран кириш ҳуқуқини берадиган йўл ҳужжати бўлиши зарурлигини талаб қилмаган ҳолатлардан ташқари, камида уч ойни ташкил этиши керак.
Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат ушбу Конвенциянинг 28-моддасига мувофиқ берилган йўл ҳужжати эгасининг ҳужжати амал қилиш муддати давомида хоҳлаган пайтда уни ўз ҳудудида яна қабул қилиши шарт.

-
- ❷ Аввалги кичик банд қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, Аҳдлашаётган давлат ҳужжат эгасидан ўз ҳудудидан чиқиб кетиш ёки унга қайтиб келишига нисбатан белгилаб қўйилган расмиятчиликларни бажаришни талаб қилиши мумкин.

14-банд

13-банднинг ягона истисно шартидан ташқари, мазкур изоҳнинг қоидалари ҳеч бир тарзда Аҳдлашаётган давлатлар худудига қабул қилиш, у ердан ўтиш, яшаш, жойлашиш ҳамда чиқиб кетиш шартларини тартибга соладиган қонун ва қоидаларига таъсир кўрсатмайди.

15-банд

Ушбу ҳужжат бўйича ҳужжатнинг берилиши ҳам, кириш ҳам ҳужжат эгасининг ҳолатини, айниқса, унинг миллатига нисбатан белгиланмайди ҳамда таъсир этмайди.

16-банд

Ҳужжатни бериш унинг эгасига ҳеч бир тарзда ҳужжатни берадиган мамлакатнинг дипломатик ва консулийк органлари томонидан ҳимоя қилиниш ва бу органларга ҳимоя қилиш ҳуқуқини тақдим этмайди.